

# AGR



## IQTISODIYOT

ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal



# Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

## МУНДАРИЖА

3. **Қ.ЧОРИЕВ, Ш.АЗИЗОВ.** Деҳқон хўжаликлариди қўшилган қийматни кўпайтириш имкониятлари
10. **У.ҚУЧЧИЕВ, Ж.ИНОМОВ.** Қорақўлчилик кластерларини ташкил этишнинг назарий асослари
12. **И.РУСТАМОВА, М.БАБАДЖАНОВА.** Фермерларнинг агро-маслаҳат (экстеншн) хизматлари тўғрисидаги билим ва кўникмаларини баҳолаш
16. **Б.МЕНГЛИКУЛОВ, С.АБДУЛЛАЕВ.** Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқ тайёрлаш зарурияти
20. **SH.SINDAROV.** Oliy ta'lim muassasalarida moddiy qiymatliklar hisobini takomillashtirish masalalari
23. **B.SHERMUXAMEDOV.** Depozit siyosatini samarali tashkil qilish orqali aholi bo'sh pul mablag'larini jalb qilish
26. **М.АЛИМОВ.** Ўсимликлар карантини хизматининг ташкилий асослари ва унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт-импорт қилишдаги ўрни
30. **А.ГАНИЕВ, Ш.МИРЗАКАМОЛОВ.** Катта зубтурум ўсимлигини ҳалқ табobati ва илмий тиббиётдаги ўрни
32. **И.ЖУМАЕВ.** Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбаларини ривожлантиришнинг назарий асослари
35. **Б.ҚАҲОРОВ.** Ўзбекистон тижорат банклари капиталида давлат улушини камайтириш йўллари
39. **Б.МЕНГЛИКУЛОВ, Т.МАМАТҚУЛОВ.** Агросаноат мажмуасини кластерли ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси ва улардан фойдаланиш имкониятлари
43. **Н.АСКАРОВ, Л.ЖОНИҚУЛОВ.** Аграр соҳада сугурта бозорини ривожлантиришда хорижий тажрибаларнинг тизимли таҳлили
47. **М.МИРАБЗАЛОВ.** Сугуртанинг қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион турлари
51. **I.QO'LDOŠNEV.** Qishloq xo'jaligini sug'urtalashni rivojlantirish istiqbollari
54. **Б.ҲАҚБЕРДИЕВ.** Сугурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий асослари
58. **И.АБДУРАХМОНОВ.** Қишлоқ хўжалиги соҳасида рискларини бошқариш
61. **Т.НУРЫМБЕТОВ, С.БАЛТАШОВ, А.БАЛТАШОВ.** Аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда агрологистик марказларнинг ўрни
64. **И.РУСТАМОВА, Ф.ЖўРАЕВ.** Богдорчилик соҳасида инновацияларни баҳолаш усуллари
67. **Н.MIRJAMILOVA.** Suvdan foydalanishda suv tejovchi texnologiyalarni qo'llashning rivojlangan mamlakatlar tajribasi
70. **О.ХУСАНОВ.** Фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий ва ижтимоий мазмуни ҳамда унинг ўзгариб бориши хусусиятлари
74. **У.ХУСАНОВ.** Телекоммуникация тизимининг иқтисодийдаги ўрни ва назарий-услубий асослари
77. **Ф.ЮЛДАШЕВ.** Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ривожлантириш йўллари
80. **G'.ERGASHEV.** Digitalization of agricultural products for export
84. **Р.ШЕРБАЕВ.** Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштиришда рақамли технологияларнинг ўрни
88. **М.ЭРХАНОВ.** Харажатлар таркиби ва уларнинг туркумлинишидаги ёндашувлар
91. **М.НАЗАРОВА, Д.АЙТБАЕВА.** Аҳолини барқарор озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни аниқлаш кўрсаткичлари тизими ва унинг моҳияти
94. **Х.ЯҚУБОВА, Ф.АЙТБАЕВА.** Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини кредитлаш тизими бошқичлари
98. **М.МИРЗАЕВ.** Глобаллашув шароитида трансчегравий сувлардан самарали фойдаланишни бошқаришда бозор механизмини қўллаш йўллари
101. **Л.БОЗОРОВА.** Қишлоқ хўжалигида ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўйича жаҳон тажрибаси
104. **Н.БОЛТАЕВ.** Агросаноат мажмуасида ташкилий-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва унга таъсир этувчи омиллар
108. **А.ИНОБАТОВ.** Деҳқон хўжаликларида грек ёнгоги етиштириш самарадорлигини ошириш масалалари
111. **А.УТАЕВ, С.ГАППАРОВ, И.МАХМУДОВ, Ф.ЮСУПОВА.** Томчилатиб сугориш тизимида сугориш шлангларининг мақбул узунликларни асослаш
115. **М.ЯХЯЕВ.** Яйлов чорвачилигини ривожлантириш аҳамияти ва истиқболлари
118. **U.SADULLAYEV.** Stages of intensive development of livestock industry
121. **Ш.МИРЗАКАМОЛОВ.** Катта зубтурум (plantago major L.)ни етиштириш агротехнологиясининг ҳосилдорликни оширишга таъсири
123. **Б.ШАФКАРОВ.** Узумчиликда замонавий ёндашувлар ва технологиялар
125. **Ф.ИРИСОВ.** Иқлим ўзгаришлари шароитида резавор мевалар етиштиришни барқарор ривожлантириш
127. **А.АЙТЫМБЕТОВ.** Минтақавий балиқчилик агрокластерларини ташкил этиш масалалари
130. **Sh.MUSTAFAYEV.** Qashqadaryo viloyatida dehqonchilik tarmog'ining innovatsion samaradorligini oshirish va rivojlantirish istiqbollari

# Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

2 (23), 2022

Бош муҳаррир: Тулқин ФАРМАНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Алишер ШУКУРОВ  
Саидасрор ҒУЛОМОВ  
Норқул ҲУШМАТОВ  
Ражаббой ДУСМУРАТОВ  
Акмал ҚОСИМОВ  
Яшнаржон АЛИЕВ  
Муҳаммаджон ҚОСИМОВ  
Абдуҳолиқ МУХТОРОВ  
Исроилжон ХОЛМИРЗАЕВ  
Назимжон АСКАРОВ  
Аслиддин АБДУЛЛОЕВ  
Кайрулла УБАЙДУЛЛАЕВ  
Бахтиёр МЕНГЛИКУЛОВ

МУАССИС:

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш  
ва тадқиқотлар халқаро маркази

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 10 мартда  
0909-рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал 2017 йил июндан чиқа бошлаган.

Бир йилда 4 мартда чоп этилади.



## ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АҲАМИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мақсуд ЯХЯЕВ,

«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти»  
Миллий тадқиқот университети, таянч докторант

**Аннотация:** Мақолада яйлов чорвачилигини ривожлантириш имкониятлари, зурарияти, аҳамияти бўйича фикр-мулоҳазалар баён қилинган ҳамда истиқболда уни барқарор ривожлантириш бўйича таклифлар келтирилган.

**Аннотация:** В статье изложены мнения о возможности, необходимости и важности развития пастбищного животноводства, а также предложения по его устойчивому развитию в будущем.

**Abstract:** The article describes opinions on the possibilities, necessity, and importance of pasture livestock development, as well as suggestions for its sustainable development in the future.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви ҳамда аҳоли сони ортиб бориши шароитида гўшт ва сут етиштириш ҳажмини ошириш зарурияти ортиши туфайли, маҳсулот етиштириш кескин ошириш юқори технологияларга асосланган чорвачилик комплекслари ривожланишини тақозо қилади. ФАО мутахассисларининг фикрича, жаҳонда гўшт ишлаб чиқариш 2001 йилдаги 229 миллион тоннадан 2050 йилда 465 миллион тоннагача (2,1 марта кўп), сут ишлаб чиқариш эса 580 миллион тоннадан 1043 миллион тоннагача (1,8 марта кўп) кўпайиши башорат қилинмоқда.

Сайёрамизда глобал иқлим ўзгариши, эпидемиологик вазият ёмонлашуви боис карантин чекловлари жорий қилиниши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми камайиб аҳолининг озиқ-овқат, хусусан чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш масаласи қийинлашиши мумкин. Чунки, гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сайёрамиз ер юзасининг 30 фоизи, қишлоқ хўжалиги экинларининг 70 фоизи ҳамда сугориш сувларининг 8 фоизи фойдаланилмоқда. Бу эса чорвачиликда ресурс сарфини тежаш, тармоққа интенсив технологиялар ва инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш заруриятини юзага келтирмоқда [1].

Олимлар фикрлари ва тадқиқот натижалари асосида таъкидлаш мумкинки, яйлов чорвачилиги қишлоқ хўжалигида ресурстежамкор, органик ва рақобатбардош маҳсулотларни етиштириш имкониятини берувчи ҳамда катта ҳажмли ер майдонларидан фойдаланишда энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳоли сонининг кўпайиши гўшт, сут, жун ва тери каби чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг ортиб

боришига сабаб бўлмоқда. Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган бу эҳтиёжларини қондиришда эса республикамиздаги мавжуд табиий яйлов ва пичанзорлар чорвачиликни ривожлантириш учун муҳим табиий озуқа базаси ҳисобланади.

Республикамиз шароитида яйловлардан фойдаланган ҳолда етиштирилаётган ялпи чорвачилик маҳсулотларида чорвачилик йўналишлари улушига эътибор қаратадиган бўлсак, салмоқли қисмини қўйчилик, қорамолчилик, эчкичилик ташкил этишини, шунингдек кийикчилик, асаларичилик (янтоқ асали), балиқчилик (табиий ҳавза балиқчилиги), пиллачилик каби йўналишларда ривожланиб бормоқда (1-расм).

Мамлакатимизда яйлов чорвачилигининг ривожланиш узоқ йиллик тарихга бориб тақалади. Бу эса, ўз навбатида чорвачилик маданияти, тажрибаси, илм-фанининг ривожланишида ўзининг ижобий натижасини берган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида чорвачилик тармоғига алоҳида эътибор қаратилди. Тармоқнинг хусусийлашиши, давлатнинг аралашувларини қисқартириш бўйича салмоқда қадамлар ташланди. Аммо, бу яйловдан фойдаланган ҳолда чорвачилик тармоғини ривожлантиришга қутилганидек самара бермади. Бунда деҳқон хўжаликларидан яйловлардан фойдаланган ҳолда чорва молларини парвартиришнинг бир тизимга солинмаганлиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, яйлов ер майдонларидан самарали фойдаланиш орқали чорвачилик тармоғини ривожлантириш, ҳудудларда аграр тадбиркорликнинг янги шакллари жорий этиш, яйлов чорвачилигида кенг қамровли ислохотларни олиб бориш заруриятини қуйидаги ҳолатлар юзага келтир-

**Калит сўзлар:** яйлов чорвачилиги, деградация, озуқа базаси, ўтлоқлар, чорва моллари, барқарор ривожлантириш, истиқболдаги режалар.



**1-расм. Ййловлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштирилаётган чорвачилик йўналишлари**

моқда. Жумладан:

- ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгариши шароитида агроиқтисодий ресурслардан, хусусан яйлов ер майдонларидан унумли фойдаланиш долзарблик касб этиши (яйловлар жами ер майдонинг 47 фоизини, қишлоқ хўжалиги ерларининг 81 фоизини ташкил этади);

- аҳоли сонининг ортиб бориши уларни сифатли ва тиббий меъёр даражасида озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласининг кун тартибига чиқиши (сўнги 10 йилда аҳоли сони 16 фоизга ортган, улар гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан 56 фоиз таъминланган);

- моддий ресурсларнинг камайиб бориши ишлаб чиқариш харажатларининг ортишига олиб келаётганлиги, натижада эса гўшт ва гўшт маҳсулотларининг баҳоси йилдан-йилга кўтарилиб бораётганлиги (гўшт баҳоси 2016 йилга нисбатан 2021 йилда 2,5 баробар кўтарилган);

- узоқ йиллар давомида яйловлардан тартибсиз фойдаланиш оқибатида деградация даражаси ортиб бориши, натижада чорва моллари учун озуқа муаммоси юзага келаётганлиги (жами яйловларнинг 48 фоизи деградацияга учраган, 19 фоиз яйловлар фойдаланишдан чиққан);

- яйловларни қайта тиклаш, озуқа базасини ривожлантиришга эътиборнинг пастлиги ҳамда молиявий қўллаб-қувватланмаслиги натижасида чўл яйлов ўсимликлари уруғчилиги тизими издан чиққанлиги (мавжуд уруғлик майдонлари жами яйловларнинг 0,0017 фоизини ташкил этади);

- яйловларнинг ҳолати ёмонлашиши экологик муаммоларни юзага келтири-

ши, биохилма-хилликка салбий таъсир этиши, туз ва қум бўронларининг кўтарилишига олиб келиши (мавжуд яйловларнинг қариб 50 фоизи экологик жиҳатдан оғир бўлган ҳудудларда жойлашган);

- чекка ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлаш, қўшимча даромад манбаларни топиш, ички ва ташқи миграциянинг олдини олиш каби ижтимоий муаммолар долзарблашиб бораётганлиги (республика аҳолисининг 50 фоизи қишлоқ ҳудудларида, шундан 27 фоизи бевосита яйлов майдонлари жойлашган ҳудудда ёки унга тутуш ҳудудда истекомат қилади);

- узоқ йиллар давомида яйлов чорвачилигига эътибор қаратилмаслиги натижасида наслчилик ва генетикага соҳасида муаммоларнинг йиғилиб

қолганлиги (қўйларнинг тирик вазини 50 фоизгача, қўй терисининг юзаси 45 фоизгача, жунининг узунлиги 30 фоизгача кичрайиб кетган);

- яйлов чорвачилигида малакали кадрларнинг етишмаслиги, уларнинг ишлаши учун шароит, молиявий ресурслар етишмаслиги ва бошқалар.

Ййлов чорвачилигида узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган юқоридаги каби муаммолар оқибатида юзага келган ҳолатлар ва бугунги кунда агроиқтисодий ислохотлар ҳамда иқтисодий бошқариш шакллари ўзгаришига мос ҳолда яйлов ер майдонларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бориш орқали бир қатор ижобий аҳамиятга эга бўлган натижаларга эришиш имконияти мавжуд.

Хусусан, яйлов чорвачилигини ривожлантириш орқали ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги самараларга, яъни озик-овқат хавфсизлиги ҳамда олис ҳудудларда яшовчи аҳолининг бандлиги таъминланиши; чорва молларини парваришлаганга оид билим ва кўникмалари ривожланиши; янги техника ва технологиялар кириб келади ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ билимлар такомиллаштириш каби натижаларга эришиш мумкин (2-расм).

Шунингдек, олис ҳудудларда яшовчи аҳолининг қўшимча даромад манбаи шаклланиши, чорвачилик ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ортиши ҳамда импорт ўрнини босувчи гўшт, жун ва тери етиштирилиши ҳамда валюта тежалиши билан биргаликда солиқ тўловчилар сони кўпайиши каби иқтисодий аҳамиятга эга.



2-расм. Яйлов чорвачилигини ривожлантиришнинг аҳамияти

Яйлов чорвачилигини ривожлантиришнинг экологик аҳамиятига эътибор қаратадиган бўлсак, соҳани ривожлантириш натижасида чўл яйлов ўсимликлари уруғчилик майдонлари ташкил этилиши ва суғориш қудуқлари қазилиши шароитида деградациядан чиқариш имконияти яратилади ҳамда ўсимликлар биохилма-хиллиги кўпаяди, уларнинг йўқолиб кетишининг олди олинади.

Ўз навбатида ташкилий жиҳатдан чекка ҳудудларда инфратузилма объектларини шаклланиши, яйлов майдонларидан фойдаланишнинг замонавий бошқарув шакллари ривожланиши ҳамда хўжалик юратишнинг турлари ва усуллари такомиллашиб бориши каби аҳамиятга молик натижаларга эришиш мумкин.

Таъкидланганидек, яйлов чорвачилиги-

нинг ресурстежамкорлик даражаси юқорилиги боис рақобатбардош маҳсулот етиштириши унга бўлган қизиқишнинг доим мавжуд бўлишини таъминлайди. Шу боис, яйлов чорвачилигини ривожлантиришнинг аграр соҳа ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини тадқиқ этиш долзарблик касб этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, яйлов чорвачилигини ривожлантириш мақсадида тармоқнинг ҳудудий жойлашувидан келиб чиққан ҳолда истиқболда чора тadbирларни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга сувофиқ. Жумладан:

- аввало, ҳуддулар ва яйлов типлари кесимида парваришланаётган чорва молларининг аниқ

статистик маълумотлар базасини шакллантириш;

- яйлов ер майдонларида парваришланаётган чорва молларининг хўжалик юритиш шакллари, уларда мавжуд мол бош сонинг ўзгариш динамикасини таҳлил қилиб бориш;

- яйлов ер майдонларини географик жойлашувига кўра, ҳосилдорлиги, тупроқ таркиби ва фойдаланиш муддати, мавсумига кўра гуруҳларга ажратган ҳолда алоҳида ёндашувларни ишлаб чиқиш;

- яйлов сиғими юқори бўлган, деградацияга учраган ва тартибсиз фойдаланиладиган яйловларни “қизил”, “сарик” ва “яшил” ҳудудларга ажратган ҳолда яйловдан фойдаланишни тартибга солиш, яйловларни бошқаришнинг индивидуал дастурларини ишлаб чиқиш.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. У.Н.Садуллаев. Гўшт-сут етиштириш тизимини модернизациялашни рағбатлантириш йўллари. и.ф.ф.д. илмий даражаси олиш учун ёзилган автореферат. Т: -2020. Б-5. www.ziyounet.uz.
2. Ўроқов Ш. Бозор иқтисодиёти шароитида пиллачилик тармоғи ривожланиш истиболларини белгилаш. и.ф.н.дисс.Т.2005. Б-14
2. Шарипов Б.Қ. Тадбиркорлик фаолиятида хўжалик юритиш шакллари диверсификациялаш имкониятларидан фойдаланиш. Монография-Тошкент.:Info Capital Group.2019./185 бет
3. Алиева Н. “Қишлоқ хўжалигида чорвачилик тармоғининг самарадорлигини ошириш муаммолари”. Журнал Бизнес-эксперт №8(128)-2018 йил.
4. <https://www.pusture.uz/>.
5. <https://www.silkandkarakul.uz/>.
6. <https://www.agro.uz/>.
7. <https://www.stat.uz/>.